

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

8-сон
(1080)
2023 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

57. «Қишлоқ ҳўжалигида аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги ПҚ-69-сон қарори
58. «Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 февралдаги ПҚ-70-сон қарори
59. «Ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 февралдаги ПҚ-73-сон қарори

Учинчи бўлим

60. «Суд экспертизаси тадқиқотларини ўtkазиш тартиби тўғрисидаги наму-

навий низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 февралдаги 73-сон қарори

61. «Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи мактаблар тармоғи кенгайтирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 апрелдаги 237-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 февралдаги 75-сон қарори
62. «Андижон вилояти Шаҳрихон туманида чарм-пойабзал ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 февралдаги 78-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

57 Қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигини ошириш ва ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Амалга оширилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, ердан оқилона фойдаланиш ва кўп қаватли ишлаб чиқариш биноларини қуришни ҳамда худудларнинг саноат салоҳиятини кенгайтиришни солиқ юкини пасайтириш ҳисобига рафбатлантириш мақсадида:

1. 2023 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 майга қадар эксперимент тариқасида республика бюджетидан пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига уларнинг ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бир вақтнинг ўзида қўйидаги шартларга риоя қилинганда қайтариб бериш тартиби жорий этилсин:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ҳар бир гектар ер учун ойига камида бир нафар ишчининг бандлиги таъминланганда;

ҳар бир нафар ишчи учун ойига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдорининг бир бараваридан кам бўлмаган микдорда белгиланганда;

пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги ўтган йил якуни бўйича Солиқ кодексининг 57-моддаси талабларига жавоб берганда.

2. Иккисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси бир ой муддатда республика бюджетидан пахта ва (ёки) ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамларига уларнинг ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-санасидан кейин тўлик микдорда қайтаришнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқсин.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 апрелдан бошлиб тадбиркорлик субъектлари янги қурилган кўп қаватли ишлаб чиқариш бинолари, шу жумладан 2023 йил 1 январдан кейин фойдаланишга топширилган бинолар юзасидан (республиканинг шаҳарлари, шунингдек, Тошкент вилоятининг Зангиота, Кибрай ва Тошкент туманларида жойлашган бинолар бундан мустасно) юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича ҳисобланган суммани уч қаватли бинога — 0,9, тўрт қаватли бинога — 0,8, беш қаватли бинога

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 февралда эълон қилинган.

— 0,7, олти қаватли бинога — 0,6, етти ва ундан юқори қаватли бинога — 0,5 пасайтирувчи коэффициентни қўллаган ҳолда, бино фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тўлайди. Бунда, ушбу бандда белгиланган пасайтирувчи коэффициент:

маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи хоналар билан (офис учун хоналар ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш учун, касбни эгаллаш мақсадида ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш хоналари ва х.к.) бирга, агар уларнинг майдони янги курилган кўп қаватли ишлаб чиқариш биносининг умумий майдонининг 20 фоизидан ошмаган бўлса;

ишлаб чиқариш мақсадларида бино бир нечта хўжалик юритувчи субъектлар томонидан биргаликда фойдаланилаётган бўлса, бундай бинонинг ҳар бир мулкдори томонидан қўлланилади.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 февраль,
ПҚ-69-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

58

**Касаначиликни янада ривожлантиришга оид қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида***

Касаначиларга қулай солик режимини жорий этиш, фаолиятини йўлга қўйиш учун уларни молиявий қўллаб-кувватлаш чораларини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолиятига касаначиларни кенг жалб қилишни рағбатлантириш орқали ахолининг бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш мақсадида:

1. Иш берувчиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни касаначи сифатида товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш фаолиятига жалб қилишга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, касаначи сифатида жалб қилинган ўзини ўзи банд қилган шахсларга касаначилик фаолияти учун назарда тутилган имтиёз ва преференциялар билан бирга ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган имтиёз ва преференциялар ҳам қўлланилади.

2. Ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тўлдирилсин.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 марта 2026 йил 1 январга қадар уч ойдан ортиқ муддатга ўттиз нафардан зиёд касаначиларни белгиланган тартибида жалб қилган ва касаначилик асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (кўрсатилган хизматларни) реализация қилишдан олган даромадлари жами даромадининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари учун:

фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқнинг солиқ базаси 50 фоизга камайтирилган ҳолда, бироқ тадбиркорлик субъекти томонидан касаначиларга тўланган иш ҳақи миқдорининг 1,5 бараваридан ошмаган миқдорда хисобланади;

2-иловага мувофиқ давлат мулки обьектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари 50 фоиз миқдорида белгиланади;

давлат харидлари доирасида тузиладиган шартномаларда бюджет буюртмачилари томонидан 50 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади.

Бунда, мазкур банддаги имтиёзлар ўттиз нафардан ортиқ касаначилар жалб қилинган даврга татбиқ этилсин.

4. Савдо-саноат палатаси ва «Хунарманд» уюшмасининг «Уста-шогирд» мактаблари ўқувчиларига ижтимоий солиқни тўлашнинг ўзини ўзи банд қилган шахслар учун белгиланган тартибини татбиқ этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Савдо-саноат палатаси Солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ўз маълумотлар базасини солиқ органларининг маълумотлар базаси билан интеграция қилишни таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 февралда эълон қилинган.

5. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оиласларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашда уларнинг касаначилик ёки қишлоқ хўжалиги ишларига мавсумий жалб қилинган, бироқ олти ойгача бўлган даврда олган даромадлари инобатга олинмасин.

6. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 марта бошлаб:

касаначиликни молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Жамоат ишлари жамғармасига касаначиликни қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган трансферлар Жамғармага йўналтирилади, 2024 йилдан бошлаб — Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу маблағлар Жамғарма учун ажратилиши кўзда тутилади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бир ҳафта муддатда Жамғарма фаолиятини молиялаштириш учун Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан 100 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратсин.

8. 2023 йил 1 марта шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Жамғарма ҳисобидан:

а) тадбиркорлик субъектларига ҳар бир касаначининг дастлабки уч ой давомидаги касаначилик фаолияти учун бир ойлик ўртacha даромади миқдорида бир марталик субсидия улар касаначиликни ташкил этган маҳаллалар жойлашган худудидан қатъи назар ажратилади;

б) тадбиркорлик субъектларига қўйидаги субсидиялар ажратилади:

2025 йил 1 январга қадар касаначилик билан шуғулланаётган ишсиз ва иш қидираётган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»га киритилган фуқароларга асбоб-ускуналар ва хомашё харид қилиш бўйича харажатларини қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бара-варигача миқдорда бир марталик;

касаначилик асосида уй шароитида ишлаётган ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш жойини мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваригача миқдорда;

касаначиларни касб-хунарга ўқитишга сарфланадиган харажатларини уч ойгача бўлган муддатда қоплаш учун, бироқ ҳар бир касаначи учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваригача миқдорда.

9. 2023 йилда оиласлар тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг камидаги 500 миллиард сўми касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилсин.

Белгилансинки, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар)

ҳокимларининг ёрдамчилари тавсияси асосида тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун:

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ҳар бир жалб қилинган касаначи учун 2 миллион сўмгача, бироқ жами 300 миллион сўмгача йиллик 14 фоиз ставкада, 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга револьвер кредитлар ажратилади;

Жамғарма хисобидан ҳар бир жалб қилинган касаначи учун 1 миллион сўмгача, бироқ жами 150 миллион сўмгача 2 йилгача муддатга фоизсиз ссуда ажратилади.

Мазкур кредит ва ссудаларни тадбиркорлик субъектлари талабига биноан касаначиларнинг банк карталарига ўтказиб берилишига рухсат берилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари Савдо-саноат палатаси билан биргаликда 2023 йил 1 июня қадар давлат улуши мавжуд ўирик савдо мажмуалари ва дехқон бозорлари худудларида доимий хунармандчилик ва касаначилик савдо расталари ташкил этилишини таъминласин.

Бунда:

савдо расталари хунармандлар ва касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишга мўлжаллансан;

савдо ўринлари ижара тўловлари 50 фоизга камайтирилган ҳолда ижарага берилсан.

11. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринbosарига касаначилик фаолиятини ривожлантириш бўйича қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсан:

маҳаллаларда касаначиликни ташкил этиш ва ривожлантириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш;

маҳаллаларда ишсиз фуқароларни касаначиликка жалб қилиш бўйича давлат томонидан рафбатлантирувчи механизmlарни жорий этиш;

касаначилик маҳсулотларининг кооперация усулида, шу жумладан электрон савдо платформалари орқали сотилишига тизимли кўмаклашиш.

Бош вазир ўринbosари Ж.А. Кўчкоров бир ҳафта муддатда 2023 йилда касаначилик асосида аҳолининг бандлигини таъминлаш бўйича ойма-ой маҳаллалар кесимида мақсадли кўрсаткичларни тасдиқласин.

12. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом лойиҳасини;

икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазiri Б.А. Мусаев белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлашти-

риш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 февраль,
ПҚ-70-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 23 февралдаги
ПҚ-70-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин
бўлган қўшимча фаолият (ишлар, хизматлар) турлари
РЎЙХАТИ**

1. Қайта ишланган жундан кийимлар ва бошқа буюмлар тўқиши
2. Уй шароитида лойдан тандир тайёрлаш
3. Атлас ва адрес тўқиши
4. Майда мунчоқ (бисер) тикиши
5. Дўпидўзлик маҳсулотларини уй шароитида тайёрлаш
6. Темирчилик маҳсулотларини уй шароитида тайёрлаш
7. Асаларичилик, шунингдек, асалари уяси ва рамкаларини ясаш
8. Қуроқчилик усулида кўйлак, кўрпа ва ёпинчиқлар тикиши
9. Қўзиқоринларни териш, уй шароитларида етиштириш ва сотиш
10. Пичноқ тайёрлаш, чархлаш ва сотиш
11. Қофоздан қутилар, бандероллар тайёрлаш
12. Уй шароитида иссиқхона маҳсулотларини етиштириш
13. Тайёр маҳсулотга этикетка бириктириш
14. Уй шароитида болалар ўйинчоги ишлаб чиқариш
15. Уй шароитида супурги етиштириш ва тайёрлаш
16. Ясси оёқли болалар оёқ кийимларини тайёрлаш
17. Миллий тақинчоқлар ясаш
18. Кандакорлик, мисгарлик буюмларини уй шароитида тайёрлаш
19. Дағал жундан гилам, кўрпа ва ёстиқ тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 23 февралдаги
ПҚ-70-сон карорига
2-ИЛОВА

Касаначиларни жалб киелган тадбиркорлик субъектларига давлат мулки обьектларини ижара тўловларини 50 фоизга камайтирган холда ижарага бериш

ШАРГЛАРИ

Жалб килинган касаначилар сони	Касаначилар жалб килинган давр	Касаначилик асосида ишлаб чикарилган маҳсулотларни (кўрсатилган хизматларни) реализация килишидан олинган даромад микдори	Давлат мулки обьектининг имтиёз кўлланиладиган энг кўп майдони (кв.м.)			
			Тошкент шахри	Нукус шахар ва вилоят марказлари	Туман марказлари	Бошқа худудлар
30 нафардан ортик	3 ойдан ортик	Жами даромаднинг 60 фоизидан ортик	220	240	260	280

Изоҳлар:

1. Мазкур имтиёз Тошкент, Нукус шахарлари ва вилоят марказлари ҳамда бошқа худудлар бўйича тегизлича ҳудудий зона коэффициенти эне юкори бўлган объектларга нисбатан кўлланилмаиди.

2. Касаначилар билан шартнома бекор қилинши оқибатиди мазкур иловада белгиланган меъбер бузилган тақдирда, жорий ойдан кейинги ойдан бошлиб имтиёз беркор қилинади.

3. Мазкур имтиёзлар қонунчилик ҳуҗжатларига мувофиқ ижара тўйловларида имтиёзга эга бўлган тадбиркорлик субъектларига татбобик қилинмайди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ушибу рўйхатда белгиланган майдонга нисбатан:

кам майдондан фойдалансанда, ҳақиқатда фойдалансан майдонга нисбатан имтиёз кўлланилади;

кўп майдондан фойдалансанда, имтиёз факат белгиланган майдон учун кўлланилади.

4. Мазкур иловада бўйича давлат мулки объекти истисно тарикасида электрон савдоларни ўтказмасдан ижарага берилади.

5. Имтиёз асосида ижара га берилган давлат мулки бўйича коммунал хизматлар учун тўловлар оличи томонидан амалга оширилади.

6. Мазкур имтиёз хусусийлаштириши дастурларига киритилмаган давлат мулки объектларига нисбатан татбик этилади.

7. Касаначиларни жалб қиласан тадбиркорлик субъектларига давлат мулки объектини ижара тўйловларини 50 фоизга камайтирган холда ижара га берини тартиби Камбағаликни қискартириши ва бандлик вазирлиги ҳамда Давлат актимларини бошкариши агентлиги томонидан белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОР

59

**Ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича чо-
ра-тадбирлар тўғрисида***

Юқори сифатли ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рафбатлантириш, республика ипакчилик тармоғи корхоналарининг барқарор фаолият юритишини ҳамда ипакчилик тармоғини комплекс ривожлантиришни таъминлаш, шунингдек, ипакчилик тармоғида илмий салоҳиятни ошириш ва тармоқ учун малакали кадрлар тайёрлашда йирик ипакчилик корхоналари ва замонавий лабораториялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида:

1. «Ўзбекипаксаноат» ҳамда «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмалари иштирокчиларининг тегишинча Ипакчилик илмий-тадқиқот институтини ва Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институтини Кишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига (кейинги ўринларда — Қўмита) амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, шу жумладан уларнинг мол-мулкини баланс қийматида бепул ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда «Ўзбекипаксаноат» ва «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаларининг:

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида Ипакчилик ва тутчилик факультетини ташкил этиш ҳамда 2023/2024 ўкув йилидан бошлаб Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида жойлашган тегишли олий таълим муассасаларининг «Ипакчилик ва тутчилик» ва «Ипакчилик» таълим йўналишлари бўйича қабул квоталарини ушбу факультетга ўтказиш;

Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида жойлашган тегишли олий таълим муассасаларида қабул тўхтатиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабалар ўқишини таълим олиш муддатига мос равиша давом эттириш;

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ипакчилик ва тутчилик факультети, Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти ва Ипакчилик илмий-тадқиқот институтини Андижон вилояти, Марҳамат тумани, «Гулистон» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 1-А уй манзилида жойлаштириш;

Ипакчилик илмий-тадқиқот институтига тегишли Тошкент шаҳридаги бўшаётган ер майдонлари, бино ва иншоотларни (кейинги ўринларда — бўшаётган активлар) белгиланган тартибда «E-auksion» электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукционларда сотиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

а) Ипакчилик илмий-тадқиқот институтига тегишли бўшаётган активларни баҳолаш, савдога чиқариш ҳамда сотиш билан боғлик бўлган барча

* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 февралда эълон қилинган.

харажатлар бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур харажатлар кейинчалик бўшаётган активларни электрон онлайн-аукцион савдоларида сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан қолланади;

б) бўшаётган активларни электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушган пул маблағлари уларни баҳолаш, савдога чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси тасарруфига ўтказиладиган қисми чегирилган ҳолда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Фазначилик хизмати қўмитасида Кўмитага очиладиган алоҳида фазначилик ҳисоб рақамида йиғиб борилади;

в) Кўмитага очиладиган алоҳида фазначилик ҳисоб рақамида йиғиб бориладиган маблағларни ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларига кредит линиялари очиш учун тижорат банклари депозитларига жойлаштириш, Кўмитанинг буюртманомалари асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Фазначилик хизмати қўмитаси томонидан электрон аукцион орқали амалга оширилади. Бунда, тижорат банклининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига йўналтирилади;

г) Кўмита учун очилган алоҳида фазначилик ҳисоб рақамида йиғилган маблағларнинг:

бир қисми ҳисоб-китоблар асосида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Ипакчилик ва тутчилик факультетининг моддий-техника базасини такомиллаштириш учун ажратилади;

қолган қисми энг фойдали курс бўйича АҚШ долларига конвертация қилиниб, тижорат банкларида, уларнинг буюртмасига асосан 5 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр билан 4 фоиз ставкада ва қолган давр учун 5 фоиз ставкада янги ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларига кредит линиялари очиш учун йўналтирилади;

д) Давлат активларини бошқариш агентлигига бўшаётган активларни лотларга бўлиш, шу жумладан уларнинг таркибидаги ер участкаларини алоҳида лотлар сифатида шакллантириб, электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотувга чиқаришга рухсат берилади.

4. Курилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Кадастр агентлиги:

Тошкент шахри ҳокимлиги билан биргаликда икки хафта муддатда яшил ҳудудларни инобатга олган ҳолда Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ер майдонининг аниқ чегараларини белгиласин;

Давлат активларини бошқариш агентлигига билан биргаликда бир ой муддатда бўшаётган активларни, жумладан бино, иншоот ва ер майдонларини алоҳида лотларга бўлиб сотиш имкониятини ўрганиб чиқиб, асослантирилган таклифларни Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига киритсин.

5. Кўмита ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси Ипакчилик илмий-тадқиқот институтини кўчириш муносабати билан ишдан бўшайдиган ходимларга ком-

пенсация харажатларини тўлаб бериш ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда уларни бошқа ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-кувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПФ-2-сон Фармони 2-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган маблағлар доирасида тижорат банклари томонидан ипак маҳсулотлари экспорт қилувчи корхоналарга 3 йил муддатга йиллик 5 фоиз ставкада (шу жумладан банк маржаси 1 фоиздан ошмаган миқдорда ўрнатилиди) узлуксиз айланма маблағ билан таъминлаш учун револьвер кредитлар ажратилади.

7. Хонадонларда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга ҳар йили етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун 5 минг сўм миқдорида республика бюджети ҳисобидан ажратиладиган субсидия бекор қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга кўра мазкур банд билан бекор қилинаётган субсидиянинг молиялаштириш манбалари доирасида 2023 йил 1 мартаңдан бошлаб 2026 йил 1 январга қадар пиллани қайта ишлаш ва пилла курси уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга улар томонидан бевосита пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун 120 минг сўм миқдорида республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратилади.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқсан ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

9. Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда Хитой ва Вьетнам давлатларидан ипак қуртининг элита ва суперэлита уруғининг Ўзбекистонга олиб келиниши ҳамда хукуматлараро комиссияларга таклиф киритилишини таъминласин;

ипакчилик саноатини ривожлантириш бўйича илгор тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистонда жорий қилиш учун «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан тасдиқланадиган ишчи гуруҳнинг хорижий давлатларга (Вьетнам, Италия, Хитой, Ҳиндистон) доимий равишда юборилиши юзасидан чоралар кўрсин;

«Ўзбекипаксаноат» уюшмасига ипак саноати ривожланган хорижий давлатларнинг тадбиркорлик бирлашмалари (уюшмалари) билан яқин алоқалар ва ҳамкорлик ўрнатиш йўналишида амалий ёрдам кўрсатсан.

10. Ипакчилик саноати корхоналарининг «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларнинг бандлигини ва пилла етиштириш прогнозлари бажарилишини таъминлаш ҳамда пилла мавсумларини уюшқоқлик билан ташкил этиш учун, шунингдек, ҳокимликлар томонидан тармоқ корхоналарига доимий амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш

мақсадида туманлар (шаҳарлар) ҳокимларига ипакчилик саноати корхоналарини иловага мувофиқ бириктириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Бош прокуратура «O'zdavyerloyiha» давлат илмий лойиҳалаш институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда:

ҳудудий «Agropilla» масъулияти чекланган жамиятларига ижарага берилган тутзорлар жойлашган ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказсин;

тутзорлар жойлашган ер майдонларининг ноконуний эгаллаб олиниши ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилишини таъминласин;

тутзорлар жойлашган ва ноқонуний эгаллаб олинган ер майдонларини ҳудудий «Agropilla» масъулияти чекланган жамиятларига қайташиб юзасидан таклифлар тайёрлаб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига киритсан.

12. Ички ишлар вазирлиги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан биргаликда 2023 йил баҳорги пилла етиштириш мавсумидан бошлаб тажриба тариқасида пиллачилик кластерлари ҳамда Тошкент вилояти Бўка ва Оҳангарон туманларида жойлашган манзил-колония типидаги жазони ижро этиш муассасалари ўртасида пилла хомашёсини етиштириш юзасидан шартномалар тузиш амалиётини йўлга кўйсин.

13. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Қўмита билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун берилган ер участклари атрофларига ихота сифатида пилла хомашёси етиштиришда озуқа сифатида фойдаланиладиган тут дараҳтларини экиш мажбуриятини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

14. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналар томонидан ўзлари ишлаб чиқарган ипак маҳсулотларини экспорт қилиш операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлишини хисоблашнинг ягона муддати божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб 360 кун этиб белгилансин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

15. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда кийим-кечак ва пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ва 2 мингта доимий иш ўринларини яратиш учун «Dream Silk» МЧЖга 2021 йил 5 августда ажратилган 15 млрд сўм фоизсиз ссудани қайташиб муддатини 2027 йил 31 декабргача узайтирсан.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги 2023 йил 1 марта бошлаб ипак маҳсулотлари экспортини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларига куляй шарт-шароитлар яратиш ва бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш мақсадида хом ипакни экспорт қилиш тартибини соддалаштирсан.

17. Қўмитанинг 2023 — 2027 йилларда Тошкент вилоятида каврак етиштириши ривожлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Бунда,

каврак кўчатларининг юқори ҳосилли навлари етиштирилиши ва каврак етиштириш билан шуғулланувчи субъектларга шартнома асосида етказиб берилиши таъминлансин.

«Тошкент агропилла» масъулияти чекланган жамиятининг тутзорларни барпо этиш ҳамда тут уруғлари ва кўчатларини тайёрловчи хўжаликларни ташкил этиш учун ажратилган 3 294 гектар ер майдони, истисно тариқасида, Кўмитанинг доимий фойдаланишига ўтказилсан.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги «Республикада гўшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-224-сон қарори билан ипак қурти уруғи, тут кўчатлари ва пилла етиштириш, пиллани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда қоракўлчилик билан шуғулланаётган субъектлар, қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ва қоракўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кўзда тутилган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг амал қилиш мuddати 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар узайтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

19. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 апрелдаги «Республикада гўшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-224-сон қароридан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов ҳамда инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш. Қудратов белгилансин.

21. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси нинг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 24 февраль,
ПҚ-73-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 24 февралдаги
ПҚ-73-сон қарорига
ИЛОВА

**«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га
киритилган аҳолининг бандлигини ва пилла етишириш
прогнозларини таъминлаш ҳамда пилла мавсумини уюшқоқлик
 билан ташкил этиш учун туман (шаҳар) ҳокимларига
ипакчилик саноати корхоналарини биритириш
ЖАДВАЛИ**

T/p	Пиллани қайта ишлаш корхоналари номи	Биритирилган туман (шаҳар) ҳокимлари
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	«Jayhun Silk» МЧЖ	Амударё, Қонлиқўл, Нукус, Хўжайли, Тахиатош, Кегайли, Чимбой туманлари ҳокимлари
2.	«Bustan silk» МЧЖ	Элликқалъа тумани ҳокими
3.	«Turkul Silk Carpets» МЧЖ	Тўрткўл тумани ҳокими
4.	«KKR IPAK CLUSTER» МЧЖ	Беруний тумани ҳокими
Андижон вилояти		
5.	«Andijan silk co» МЧЖ	Пахтаобод, Избоскан, Андижон, Марҳамат туманлари ҳокимлари
6.	«Asaka ipagi» МЧЖ	Асака тумани ҳокими
7.	«Oltinko'l zar ipagi» МЧЖ	Олтинкўл тумани ҳокими
8.	«Baliqchi ishonch pillachilik» МЧЖ	Балиқчи тумани ҳокими
9.	«Ulug'nor silk 7» МЧЖ	Улуғнор тумани ҳокими
10.	«Bo'ston investment — silk» МЧЖ	Бўстон тумани ҳокими
11.	«Xarir tola» МЧЖ	Жалақудук, Кўргонтепа, Булоқбоши туманлари ҳокимлари
12.	«Sapfir sanoat» МЧЖ	Хўжаобод, Шахрихон туманлари ҳокимлари
Бухоро вилояти		
13.	«Imastar» МЧЖ	Пешку тумани ҳокими
14.	«G'ijduvon ipak tola» МЧЖ	Фиждувон, Шоғиркон туманлари ҳокимлари
15.	Ўзбекистон-Америка-Россия «Romstar» МЧЖ ҚҚ	Ромитан, Жондор туманлари ҳокимлари
16.	«Kumushkent ipagi» МЧЖ	Вобкент, Когон туманлари ҳокимлари
17.	«Silk Service» МЧЖ	Бухоро тумани ҳокими
18.	«Qorako'l ipak cluster» МЧЖ	Олот, Коракўл туманлари ҳокимлари
Жиззах вилояти		
19.	«Silk expert processing» МЧЖ	Фориш, Дўстлик, Пахтакор туманлари ҳокимлари
20.	«Al Abbas silk» МЧЖ	Арнасой, Мирзачўл туманлари ҳокимлари

21.	«Zomin asl ipak tolasi» ХК	Бахмал, Зомин, Зарбдор, Ш. Рашидов, Янгиобод туманлари ҳокимлари
22.	«G'allaorol silk eksport» МЧЖ	Фаллаорол тумани ҳокими
23.	«Zafarobod pilla cluster» МЧЖ	Зафаробод тумани ҳокими
Қашқадарё вилояти		
24.	«Radiant silk» МЧЖ	Фузор, Дехқонобод, Қамаши, Қарши, Миришкор, Муборак, Нишон туманлари ҳокимлари
25.	«Shakhhrisabz silk production» МЧЖ	Китоб, Шахрисабз туманлари ҳокимлари
26.	«Yakkabog' silk production» МЧЖ	Яккабоғ тумани ҳокими
27.	«Chiroqchi-tolasi» МЧЖ	Чироқчи тумани ҳокими
28.	«Koson silk» МЧЖ	Косон тумани ҳокими
29.	«Kasbi silk» МЧЖ	Касби тумани ҳокими
Навоий вилояти		
30.	«Al-aziz ipagi» МЧЖ	Конимех, Навбаҳор туманлари ҳокимлари
31.	«Xatirchi pilla xazinasi» ХК	Хатирчи тумани ҳокими
32.	«Qiziltepa Pillachilik» МЧЖ	Қизилтепа тумани ҳокими
33.	«Navoiy silk production 2020» МЧЖ	Кармана, Нурота туманлари ҳокимлари
Наманган вилояти		
34.	«Verigrow ipagi» МЧЖ ХК	Мингбулоқ, Чуст, Косонсой, Уйчи туманлари ҳокимлари
35.	«Golden silk» МЧЖ	Наманган тумани ҳокими
36.	«Fabrictex» МЧЖ	Норин, Учқўрғон туманлари ҳокимлари
37.	«Zilol silk» МЧЖ	Тўракўрғон тумани ҳокими
38.	«Chortoq innovation silk» МЧЖ	Чорток тумани ҳокими
39.	«Pop ipak tolasi invest» МЧЖ	Поп тумани ҳокими
40.	«Yangi zamin ipagi» МЧЖ	Янгиқўрғон тумани ҳокими
Самарқанд вилояти		
41.	«Kumush tola» ХК	Каттақўрғон тумани ҳокими
42.	«Samarkand silk ao» МЧЖ	Нарпай тумани ҳокими
43.	«Elbek t.r.j» МЧЖ	Пастдарғом, Самарқанд, Нуробод туманлари ҳокимлари
44.	«Oqdaryo ipagi» МЧЖ	Оқдарё тумани ҳокими
45.	«Ziyovuddin silk» МЧЖ	Пахтачи тумани ҳокими
46.	«Jomboy silk» МЧЖ	Жомбой, Қўшработ туманлари ҳокимлари
47.	«Zar oltin pilla» МЧЖ	Булунгур тумани ҳокими
48.	«Tayloq ipagi» МЧЖ	Тойлоқ тумани ҳокими
49.	«Payariq ipagi» МЧЖ	Пайариқ тумани ҳокими
50.	«Urgut Silk Fiber Company» МЧЖ	Ургут тумани ҳокими
51.	«Ishixon silk» МЧЖ	Иштихон тумани ҳокими
Сирдарё вилояти		
52.	«Agro global» МЧЖ ҚҚ	Оқолтин, Боёвут, Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё, Мирзаобод, Ховос, Гулистон туманлари ҳокимлари

Сурхондарё вилояти		
53.	«Surxon ipagi» МЧЖ	Ангор, Бойсун, Қизириқ, Музработ, Шеробод, Бандиҳон туманлари ҳокимлари
54.	«Inter silk pro» МЧЖ	Термиз, Олтинсой, Шўрчи туманлари ҳокимлари
55.	«Sino silk» МЧЖ	Денов, Узун, Сариосиё туманлари ҳокимлари
56.	«Silk village» МЧЖ	Жарқўрғон тумани ҳокими
57.	«Silk town» МЧЖ	Қумқўрғон тумани ҳокими
Тошкент вилояти		
58.	«Turan silk pro» МЧЖ	Оққўрғон тумани ҳокими
59.	«Tashkent silk pro» МЧЖ	Бўёқ тумани ҳокими
60.	«Jinjuz silk co» МЧЖ ХК	Оҳангарон, Пискент туманлари ҳокимлари
61.	«Oltin pilla 2020» МЧЖ	Бекобод, Чиноз, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари ҳокимлари
62.	«Movarounnah silk road» МЧЖ	Бўйронлиқ тумани ҳокими
63.	«TCT Agro cluster» МЧЖ	Қўйичирчиқ тумани ҳокими
64.	«Clean silk» МЧЖ	Янгийўл тумани ҳокими
Фарғона вилояти		
65.	«Nurli tong silk» МЧЖ	Ўзбекистон, Кўштепа, Фурқат, Риштон, Бағдод, Олтиариқ, Бувайда, Ёзёвон, Сўҳ туманлари ҳамда Қувасой шаҳри ҳокимлари
66.	«Beshariq ipagi» МЧЖ	Бешариқ тумани ҳокими
67.	«Dang'ara ipagi» МЧЖ	Данғара тумани ҳокими
68.	«Vodil ipak yigiruv» МЧЖ	Фарғона, Қува, Тошлок туманлари ҳамда Фарғона шаҳри ҳокимлари
69.	«Uchko'prik ipagi» МЧЖ	Учқўпrik тумани ҳокими
Хоразм вилояти		
70.	«Khiva silk fabric» МЧЖ	Гурлан, Кўшкўпир, Хива, Янгибозор туманлари ҳокимлари
71.	«Xorazm pilla xolding» МЧЖ	Урганч, Хонқа, Янгиариқ, Ҳазорасп, Тупроққалъа туманлари ҳокимлари
72.	«Bog'ot Silk Co» МЧЖ	Боғот тумани ҳокими
73.	«Shovot silk» МЧЖ	Шовот тумани ҳокими

УЧИНЧИ БЁЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

60

**Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» 2022 йил 3 августдаги ЎРҚ-786-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 июлдаги ПФ-6256-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди**:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» 2022 йил 3 августдаги ЎРҚ-786-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 июлдаги ПФ-6256-сон Фармонига мувофиқ:

адвокатларга иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда ишни суд муҳокамасига тайёрлаш чоғида ёки суд муҳокамаси жараёнида давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида ишонч билдирувчи шахс розилиги билан суд экспертизаси ўтказилишини сўраш, шунингдек, суд экспертизаси хулосаси иш материалларига қўшиб қўйилишини ва суд томонидан ушбу хулоса ишдаги мавжуд далиллар билан биргаликда баҳоланишини талаб қилиш хукуки берилганлиги;

адвокат сўровига кўра суд экспертизаси хулосасини олиш муддатлари давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари билан тузилган шартномаларда белгиланиши назарда тутилганлиги;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг хуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларида қайд этилганлиги;

илмий фаолият билан шуғулланувчи муассасаларга ўз фаолият йўналишлари бўйича суд-экспертлик тадқиқотларини ўтказиш хукукини бериш назарда тутилганлиги;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси»да 2023 йил 22 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан хорижий ташкилот ва чет эл фуқаролари учун суд-экспертиза имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида уларга хизмат кўрсатиш тартибини жорий этиш белгиланганлиги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан эксперталар томонидан мутахассис фикрини бериш устувор йўналишларни амалга ошириш механизмлари сифатида қайд этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кўйидагиларни назарда тутувчи Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

суд экспертизаси ҳамда тадқиқотлар ўтказиш тартиби ва шартлари;

суд экспертизаси хulosаси ва мутахассис фикрининг тузилишига қўйилган талаблар;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ҳамда илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот)ларнинг суд экспертизаси ва тадқиқотларни ўтказиши асослари;

хорижий ташкилот ва чет эл фуқаролари учун суд экспертизаси имкониятларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан суд эксперталари томонидан мутахассис фикрини бериш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Тизимида давлат суд-экспертиза муассасалари ҳамда бўлинмалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар икки ой муддатда:

ушбу қарор билан тасдиқланган Намунавий низомга мувофиқ суд экспертизасини ўтказиш тартиби ҳамда мутахассис фикрини беришни назарда тутувчи ички низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 21 февраль,
73-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 21 февралдаги 73-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавиий низом давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти, илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот)лар (кейинги ўринларда — экспертиза ташкилоти) томонидан суд экспертизаси тадқиқотлари ўтказилиши тартиби ва шартларини белгилайди.

Ушбу Намунавиий низом хорижий ташкилот ва чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ҳам татбиқ этилиши мумкин. Бунда ҳар бир экспертиза ташкилоти фаолиятининг хусусиятига кўра суд экспертизаси тадқиқотлари ўтказилишини мустақил белгилайди.

2. Мазкур Намунавиий низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат суд-экспертиза муассасаси — суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ихтисослаштирилган муассаса, шунингдек, тегишли давлат органлари, вазирликлар ва идоралар тизимидағи ихтисослаштирилган суд экспертизаси бўлинмалари;

илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот) — асосий фаолият тури илмий фаолият юритишга йўналтирилган юридик шахс;

иш материаллари — суд экспертизаси тайинланган фуқаролик, иқтисодий, жиноят иши (шу жумладан, терговга қадар текширув материаллари), маъмурий суд ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, шунингдек, адвокатнинг сўрови ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзасидан тўпланган ҳужжатлар;

мутахассис фикри — жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида амалга ошириладиган тадқиқотлар натижаси юзасидан мутахассис (суд экспертизаси)нинг белгиланган тартибда расмийлаштириладиган фикри;

нодавлат суд-экспертиза ташкилоти — нодавлат суд-экспертиза ташкилоти фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий суд ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд экспертизасини ўтказишга ихтисослаштирилган, штатида суд эксперти сертификатига эга мутахассислари бўлган ташкилот;

суд эксперти — холоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида жалб қилинган жисмоний шахс;

суд экспертизаси тадқиқоти (кейинги ўринларда — тадқиқотлар) — фуқаролик, иқтисодий, жиноят, маъмурий суд ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳолатларини аниқлашга ва суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги маҳсус билимлар асосида тадқиқотларни ўтказиш ва холоса беришга ҳамда жисмоний ва юридик шахс-

ларнинг мурожаатлари асосида амалга ошириладиган ҳамда натижаси бўйича мутахассис фикри тақдим этилишига қаратилган фаолият;

суд эксперти (суд экспертлари)нинг хуросаси (хуроса) (кейинги ўринларда — хуроса) — суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси (кейинги ўринларда — комиссия) томонидан тузиладиган ва тадқиқотлар олиб борилишини ва уларнинг натижаларини акс эттирадиган ёзма ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон шаклдаги хужжат.

3. Экспертиза ташкилотида тадқиқотлар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья (суд)нинг (кейинги ўринларда — экспертиза тайинлашга ваколатли орган (шахс)лар) қарори (ажрими) асосида ўтказилади.

Адвокат сўровига кўра тадқиқотлар иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритилаётганда ишни суд мухокамасига тайёрлаш ҷоғида ёки суд мухокамаси жараёнида давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан шартнома асосида ишонч билдирувчи шахс розилиги билан амалга оширилади.

Давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти, илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот)лар томонидан қонунчиликка кўра рухсат этилган суд экспертизаси турлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ шартнома асосида тадқиқотлар ўтказилиб, мутахассис фикри берилиши мумкин.

Экспертиза ташкилотига қарор (ажрим), сўров, мурожаатлар ҳамда уларнинг натижаси бўйича экспертиза хуросаси ёки мутахассис фикри ёзма ёхуд электрон шаклда тақдим этилади.

4. Тадқиқотлар суд эксперти томонидан ўтказилади.

Экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс) билан келишмасдан бошқа шахсларни тадқиқотларни ўтказиш учун жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Тадқиқотларни ўтказишида суд экспертининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонунчиликда белгиланади.

5. Кўйидаги ҳолатларда суд экспертига иш материаллари юзасидан тадқиқотлар ўтказиш тақиқланади:

иш материаллари бўйича манфаатдор томонлар билан қариндош бўлганда;

иш материаллари бўйича манфаатдор томонлар билан давлат суд-экспертиза муассасаси ҳамда нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг раҳбарлари, таркибий бўлинма бошликлари ва уларнинг яқин қариндошлари бўлганда, бундан тадқиқотлар ўтказувчи ягона ташкилот бўлган ҳолатлар мустасно;

иш материаллари бўйича манфаатдор томонлардан бири нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг мулкдори, муассиси, кузатув кенгashi, ижро органи аъзоси, кредитори, сурурталовчиси ҳамда уларнинг яқин қариндошлари бўлганда;

устав фонди (устав капитали)да нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг ёки суд экспертизининг улуши бўлган юридик шахснинг хуросадан манфаатдорлиги бўлганда;

тирик шахсга нисбатан суд экспертизасини ўтказишида мазкур шахсга унинг тайинланишидан олдин тиббий ёрдам кўрсатилганда. Мазкур чеклов суд-тиббий ёки суд-психиатрик экспертизалар шахсни бевосита кўрикдан ўтказмасдан амалга оширилган ҳолларда ҳам амал қиласди;

суд экспертигининг холислигига ва беғаразлигига шубха туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда.

Суд эксперти юқорида қайд этилган ҳолатларда бевосита раҳбарини хабардор қиласди. Раҳбар экспертиза ташкилотида ушбу мутахассислик бўйича бошқа суд эксперти бўлганда, тадқиқотларни унга топширади. Бошқа суд эксперти бўлмаган ҳолда экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс)га, адвокатга ёки тадқиқотлар ўтказиш учун мурожаат қилган жисмоний ёхуд юридик шахсга иш хужжатларини уч иш кунида ижросиз қайтариб юбориши лозим.

Мазкур тартибга амал қилмаслик қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

6. Жиноий жавобгарликка олиб келмайдиган тарзда тадқиқотлар ўтказиши тартибини бузганлиги ва ўз вазифаларига вижданан муносабатда бўлмаганлиги учун суд эксперти қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

7. Экспертиза ташкилоти раҳбарининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчиликда белгиланади.

8. Экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс)нинг қарори (ажриими) асосида тадқиқотларни ўтказиш муддатлари суд экспертизалирининг ҳажми ва мураккаблигига, шунингдек, суд экспертигининг иш ҳажмига кўра 30 кун доирасида белгиланади. Суд экспертизаси турларининг мураккаблик даражаси экспертиза ташкилотининг юқори турувчи идораси, шунингдек, но давлат суд-экспертиза ташкилотлари учун Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Тадқиқотларни ўтказиши 30 кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда, экспертиза ташкилоти раҳбари муддат ўтишидан 3 иш куни олдин асосланган ҳолда экспертиза тайинлаган ваколатли орган (шахс)га ёзма ёки электрон равишда хабар қиласди ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

Адвокат сўрови ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари га мувофиқ тадқиқотлар ўтказиш муддатлари суд-экспертиза ташкилотлари билан тузилган шартномаларга асосан белгиланади.

9. Экспертиза тайинлашга ваколатли орган (шахс)нинг қарори (ажриими) бўйича тадқиқотлар ўтказиш муддатлари иш материаллари экспертиза ташкилотига тушган кундан кейинги иш кунидан бошлаб ҳисобланади ва суд эксперти хulosаси экспертиза тайинлаган ваколатли орган (шахс)га юборилган кунда тугайди.

Адвокат сўрови ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари га мувофиқ тадқиқотлар шартномага кўра тўлов амалга оширилганлик тўғрисидаги хужжатлар экспертиза ташкилотига тақдим этилган кундан бошлаб ҳисобланади ва суд эксперти хulosаси ёки мутахассис фикри манфаатдор шахсга юборилган кунда тугайди.

Суд эксперти томонидан тадқиқотларни ўтказиш муддатлари қўйидаги даврларга тўхтатиб турилади:

экспертиза тайинлаган ваколатли орган (шахс), адвокат ҳамда жисмоний ёки юридик шахс томонидан тақдим этилган иш материалларида камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида суд эксперти (мутахассис)нинг илтимосномасини кўриб чиқиш даврига;

тадқиқотларни ўтказишни 30 кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш тўғрисида юборилган хабарни кўриб чиқиш даврига;

суд экспертинынг хизмат сафарида, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ёки меҳнат таътилида бўлиш даврига, суд экспертизасини бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаганда.

Қонунчиликда ва ушбу Намунавий низомда назарда тутилмаган бошқа асослар бўйича суд экспертизасини ўтказиш муддатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

10. Давлат суд-экспертиза муассасалари ҳамда илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот)лар иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий судларга таалукли ишлар бўйича суд экспертизаларини ўтказганлиги учун тўлов ундиришга хақлидир. Суд экспертизаларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланди ва суд экспертизасини ўтказиш бошлангунга қадар тўланади. Тўлов миқдори ва мазкур маблағларни сарфлаш тартиби қонунчилик хужжатларига асосан белгиланади.

Адвокат сўрови ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ тадқиқотларни ўтказиш шартномага биноан тўлов асосида амалга оширилади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилоти ўтказиладиган тадқиқотлар учун тўлов миқдорини мустақил белгилайди.

Хорижий ташкилот ва чет эл фуқаролари учун алоҳида тўлов миқдорлари белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бошқа корхона, муассаса, ташкилот ва бошқа жисмоний шахслар суд эксперти сифатида ишда иштирок этиши мумкин. Бунда тадқиқотлар ўтказилганлиги учун тўлов суд экспертизасини тайинлашга ваколатли орган (шахс) томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Тадқиқотлар ўтказиш бўйича харажатлар тўланмаганлиги иш материалларини тадқиқотлар ўтказмасдан қайтариш учун асос ҳисобланади.

Тадқиқотлар бошланган ва сарфлаш материаллари ишлатилган ҳолларда тўлов буюртмачига қайтарилилмайди.

11. Экспертиза ташкилотида тадқиқотларни ўтказиш хизмат кўрсатиладиган минтақаларга мувофиқ ташкил этилади, бундан шартнома асосида ўтказиладиган тадқиқотлар мустасно, минтақалар улар тасарруфида бўлган тегишли давлат органи томонидан белгиланади.

Экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс)лар ва хизмат кўрсатиладиган минтақа ташқарисида жойлашган экспертиза ташкилоти учун тадқиқотлар, истисно тариқасида, хизмат кўрсатиладиган минтақа ташқа-

рисида жойлашган экспертиза ташкилоти томонидан қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бунда иш ҳажми барча ҳудудда бир хилда бўлишини таъминлаш мақсадида комиссион, комплекс ҳамда қайта суд экспертизалирини минтақаларда ўтказилиши кетма-кетлиги суд экспертизаси муассасаси тизимида мавжуд бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тасаруфига кирса, улар томонидан белгиланиши мумкин.

2-боб. Тадқиқотларни ўтказиш учун юбориладиган иш материалларини расмийлаштириш

12. Тадқиқотлар фақат уни тайинлашга ваколатли орган (шахс), адвокат ҳамда жисмоний ва юридик шахслар томонидан, процессуал қонунга, ушбу Намунавий низомга, шунингдек, суд экспертизалирини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларга мувофиқ расмийлаштирилган иш материаллари экспертиза ташкилотига тақдим этилган тақдирдагина ўтказилади.

13. Экспертиза тайинлашга ваколатли орган (шахс) томонидан тадқиқотларга суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), тадқиқот обьектлари ва иш материаллари, шунингдек, тадқиқотларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган суд экспертизаси предметига таалукли маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар экспертиза ташкилотига тақдим этилиши керак.

Адвокатлар томонидан суд экспертизаси ўтказиш тайинланганда суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги адвокатлик сўрови, ишонч билдирувчи шахс розилигини тасдиқловчи ҳужжат, иш бўйича ордер, тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, тадқиқот обьектлари ва иш материаллари, шунингдек, тадқиқотларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган суд экспертизаси предметига таалукли маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

Жисмоний ва юридик шахслар томонидан экспертиза ташкилотига тадқиқотларни ўтказиш тўғрисидаги мурожаат, тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, тадқиқот обьектлари ва иш материаллари, шунингдек, тадқиқотларни ўтказиш ва мутахассис фикри берилиши учун суд экспертига зарур бўлган экспертиза предметига таалукли маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

Тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча иш материаллари ва тадқиқот обьектларини ҳамда қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш лозим бўлганда суд эксперти томонидан экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс), адвокат, жисмоний ва юридик шахсга З иш кунида ёзма ёки электрон илтимосномалар юборилади.

Илтимосномани белгиланган муддатда электрон шаклда юбориш имконияти бўлмаганда, бу ҳақда далолатнома тузилади ва кузатув материалларига қўшиб қўйилади.

Экспертиза ташкилоти адвокатнинг сўрови ҳамда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганади ва уларга З иш куни ичida шартнома расмийлаштириш учун тақдим этилади.

Суд экспертизалирини тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг факси-

миль ва ёруғ сезгир қоғозга кўчирилган нусхаларини тақдим этишга йўл қўйилмайди.

14. Суд экспертига тақдим этилган тадқиқот обьектлари, таққословчи иш материаллари, маълумотларнинг ишончлилиги учун экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс), адвокат ва тадқиқот ўтказиш учун мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс жавоб беради.

15. Суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги битта қарор (ажрим) ёки мурожаат билан кўп миқдордаги обьектлар тақдим этилганда экспертиза ташкилоти раҳбари бир қатор алоҳида-алоҳида тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этиши мумкин.

16. Суд экспертизасини ўтказиш икки ва ундан кўп экспертиза ташкилотларига топширилган тақдирда уларни тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да мазкур суд экспертизасининг қандай мутахассисликларга эга бўлган суд экспертилари томонидан ўтказилиши кераклиги, комиссия фаолиятини ташкил этишнинг қайси экспертиза ташкилотига юкланаётганлиги ҳамда текшириладиган обьектлар ва бошқа иш материаллари қайси экспертиза ташкилотига юборилганлиги кўрсатилади.

Бунда экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ҳар бир экспертиза ташкилотига асл нусхада юборилади.

17. Кўшимча ёки қайта экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да уни тайинлашнинг сабаблари ва асослари кўрсатилиши шарт.

Кўшимча ёки қайта экспертиза тайинланган тақдирда экспертиза ташкилотига олдинги хулоса ёки хулосасини беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома барча иловалар (фотожадваллар, экспериментал иш материаллари ва шу кабилар) билан бирга тақдим этилади.

Суд экспертизасини тайинлашга ваколатли орган (шахс) нодавлат суд-экспертиза ташкилоти суд эксперти томонидан ўтказилган суд экспертизаси хулосасига қўшилмаган тақдирда, қайта суд экспертизаси фақат давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилади.

Давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан амалга оширилган бирламчи суд экспертизаси хулосаси бўйича қўшимча ва қайта суд экспертизаси, шу жумладан, комиссиявий ва комплекс суд экспертизаси нодавлат суд-экспертиза ташкилоти ҳамда илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот) томонидан ўтказилиши мумкин.

Агар, бир вақтнинг ўзида ҳам қўшимча, ҳам қайта суд экспертизасини тайинлаш учун асослар юзага келган ҳолларда қайта суд экспертизаси тайинланади.

18. Тадқиқот ўтказиш учун юборилган, уни ўтказиш имконини бермайдиган иш материалларини расмийлаштириш қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланган куни экспертиза ташкилоти раҳбари бу ҳақда экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс)га, адвокат ёки жисмоний ёхуд юридик шахсга хабар қиласди.

Суд экспертизасини тайинлаган ваколатли орган (шахс), адвокат, жисмоний ёки юридик шахс камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, экспертиза ташкилоти раҳбари 30 кун ўтгач унга

кейинги иш кунида иш материалларини суд экспертизасини ўтказмасдан қайтаради.

Иш материаллари юзасидан тадқиқотларни ўтказиш бошланмасдан экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс), адвокат, жисмоний ёки юридик шахснинг тадқиқотларни ўтказмасдан иш материалларини қайтариш ҳақидаги мурожаатига асосан улар экспертиза ташкилоти раҳбари томонидан қайтарилади.

Тадқиқотлар ўтказилмагандан амалга оширилган тўлов шартномада кўрсатилган тартибда қайтарилади.

Расмийлаштиришнинг процессуал тартиби бузилган ҳолда қайта, шунингдек, комиссион ёки комплекс суд экспертизаси ўтказиш учун тақдим қилинган иш материаллари экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс)га ёки адвокатга З кун муддатда қайтарилади.

19. Куйидаги ҳолларда иш материаллари ижро этилмасдан экспертиза тайинлашга ваколатли орган (шахс), адвокат ёки жисмоний ва юридик шахсга қайтарилади:

тадқиқотларни мазкур экспертиза ташкилотида ўтказиш назарда тутилмаган бўлса;

экспертиза ташкилоти тегишли мутахассисларга ёки асбоб-ускуналарга эга бўлмаса;

экспертиза тайинлашга ваколати бўлмаган орган (шахс) томонидан ёхуд ваколатли орган (шахс) томонидан экспертиза тайинлаш ваколатига кирмайдиган ишлар юзасидан тадқиқотлар тайинланганда.

Бунда экспертиза ташкилоти раҳбари ёки унинг бевосита суд экспертизаси йўналишига масъул ўринбосари томонидан тадқиқотлар ўтказиш учун тақдим қилинган иш материалларини З кун муддатда тадқиқотлар бажарилмаганлиги сабаблари кўрсатилган ҳолда экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс)га, адвокатга, жисмоний ёки юридик шахсларга қайтарилади.

20. Тадқиқотлар ўтказиш учун гиёхванд воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар, қимматбаҳо металлар ва тошлар, шунингдек, улардан тайёрланган буюмлар, қурол ва унинг ўқ-дорилари, пул белгилари ва юкори қимматга ёки аҳамиятга эга бўлган бошқа обьектлар тақдим этилган тақдирда, суд эксперти ушбу иш материалларини экспертиза ташкилоти раҳбарларидан бирининг иштирокида идишни очиши, тарозида тортиб кўриши, тақдим этилган обьектларни қайта санаб чиқиши, шунингдек, тақдим этилган тартиб рақамли ва бошқа обьектларнинг суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), сўров ёхуд мурожаат матнига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт. Уларнинг натижалари бўйича далолатнома тузилади, тадқиқот обьектларини текширишда иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.

3-боб. Тадқиқотларни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш

21. Суд эксперти тадқиқотларни ўтказишга экспертиза ташкилоти раҳбарининг топшириқномаси билан бирга суд экспертизасини тайинлаш тўғри-

сидаги қарор (ажрим), сўров ёхуд мурожаат ҳамда тушган барча иш материаллари олинган вақтдан бошлаб киришади.

Тадқиқотларга тақдим этилган иш материалларини расмийлаштириш тартибининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, суд эксперти бу тўғрида экспертиза ташкилоти раҳбарини хабардор қиласди, раҳбар ушбу Намунавий низомнинг 18-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни кўради.

22. Тақдим этилган иш материаллари тўлиқ бўлмаган тақдирда, бу ҳақда суд эксперти экспертиза ташкилоти раҳбари орқали экспертизани тайинланган ваколатли орган (шахс)га, адвокат, жисмоний ёки юридик шахсга қўшимча иш материаллари тақдим этиш тўғрисида ёзма ёхуд электрон равишда хабар беради.

Қўшимча иш материаллари фақат экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс), адвокат, жисмоний ёки юридик шахс томонидан тақдим этилади.

Қўшимча иш материаллари 30 кун мобайнида тақдим этилмаган тақдирда, суд эксперти тадқиқотларни мавжуд иш материаллари бўйича ўтказади.

23. Кўйидаги ҳолатларда суд эксперти томонидан хулоса ёки мутахассис фикри беришнинг имкони йўқлиги тўғрисида асосланган маълумотнома тузилади ҳамда уч иш куни мобайнида экспертизани тайинлаган ваколатли органга (шахсга), адвокатга, жисмоний ёки юридик шахсга юборилади:

агар суд эксперти ҳал қилиниши керак бўлган саволларни ўзининг маҳсус билимлари асосида ҳал қилиши мумкин бўлмаса;

агар қўйилган масала суд экспертининг маҳсус билимлари (ваколатлари) доирасидан четга чиқса ёки уни ҳал этиш учун маҳсус билимлар талаб қилинmasa ёхуд масала ҳуқуқий тусга эга бўлса;

тақдим этилган тадқиқот объектлари ёхуд иш материаллари тўлиқ яроқсиз ёки хулоса бериш учун етарли бўлмаса, уларни тўлдириб бўлмаса;

тадқиқотларни ўтказиш ва хулосалар бериш учун зарур шарт-шароитлар, тадқиқот услуби ва маҳсус асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса, шу жумладан, суд эксперти ҳаёти ва саломатлигига касбий таваккалчилик чегарасидан зиёд хавф туғилса;

фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати ҳал қилиниши керак бўлган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилинса.

Хулоса бериш ёки мутахассис фикри беришнинг имкони йўқлиги тўғри сидаги маълумотнома ушбу Намунавий низомнинг 43-бандига мувофиқ тузилади.

24. Суд эксперти ўзига тақдим этилган тадқиқот объектлари ва иш материалларини тадқиқ этишни тегишли соҳадаги билимларга амал қилган ҳолда, процессуал қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда холисона ва тўлиқ амалга оширади.

Тадқиқот объектлари (тирик одамдан ташқари) фақат тадқиқотни ўтказиш ва хулоса ёки мутахассис фикри бериш учун зарур бўлган даражада шикастланган ва сарфланган бўлиши мумкин. Тадқиқотларни ўтказиш тадқиқот учун тақдим этилган объект шикастланишини (бузилишини) ёки сарфланишини талаб қиласиган ҳолларда бунинг учун экспертизани тайин-

лашга ваколатли орган (шахс), адвокат ёки жисмоний ёхуд юридик шахснинг ёзма равишдаги розилиги олинган бўлиши керак, тайинланган суд экспертизасининг хусусиятлари объектнинг шикастланиши (бузилиши)ни ёки сарфланишини назарда тутадиган ҳолатлар бундан мустасно.

25. Кўриқдан ўтказиш талаб қилинадиган тадқиқот объектларини (экспертиза ташкилотига тақдим этилган объектлардан ташқари) суд экспертизасидан ўтказиша экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс) ёки адвокат суд эксперти учун объектга тўсиқсиз киришни ва уни текшириш имконини таъминлайди. Кўриқдан ўтказиш экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс) ҳамда адвокат томонидан ташкил этилади ва уларнинг мажбурий иштирокида амалга оширилади ҳамда тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

26. Ишда иштирок этадиган шахслар қонунчиликда назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда тадқиқотлар ўтказиша иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сабабидан қатъи назар, уларнинг йўқлиги тадқиқотлар ўтказиши тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

Суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган процесс иштирокчилари текширишлар жараёнига аралашибашга ҳақли эмас, лекин суд эксперти томонидан қўлланилган тадқиқот усуулларининг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиши, унга тушунтиришлар бериши мумкин.

Суд эксперти томонидан хulosса тузилаётганда, шунингдек, агар суд экспертизаси комиссия томонидан ўтказилаётган бўлса, суд эксперталарининг маслаҳатлашуви ва фикрларни шакллантириш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

27. Суд эксперти ўзининг маҳсус билимларига мувофиқ ўтказилган тадқиқотлар асосида ўз номидан хulosса ёки мутахассис фикрини беради ва унинг учун жавобгардир.

28. Суд экспертизасини ўтказиш учун бир хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ суд эксперталари (комиссион экспертиза) тайинланганда уларнинг ҳар бири тадқиқотларни тўлиқ ҳажмда амалга оширади. Комиссия тадқиқотларда қатнашган суд экспертидан ҳар бири унга рози бўлган тақдирда, умумий хulosса беради. Шунингдек, комиссияда иштирок этган суд эксперталари фикрининг бир қисмини акс этирувчи ягона хulosса берилиши ҳам мумкин. Келишмовчилик бўлган тақдирда, ҳар бир суд эксперти келишмовчиликка сабаб бўлган барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хulosса тузади.

Давлат суд-экспертиза муассасалари суд эксперталаридан бошқа мутахассислар суд эксперти сифатида жалб этилганда қонунчиликка мувофиқ тўловлар амалга оширилади.

29. Суд экспертизасини ўтказиш учун ҳар хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ суд эксперталари (комплекс экспертиза) тайинланганда ҳар бир суд эксперти тадқиқотларни амалга оширади ва ўз ваколати доирасида хulosса беради. Комплекс экспертиза хulosасида ҳар бир суд эксперти қандай тадқиқотлар ва қандай ҳажмда ўтказганлиги, шахсан у қандай фактларни аниқлаганлиги ҳамда қандай хulosаларга келганлиги кўрсатила-

ди. Суд эксперти комплекс экспертиза хulosасининг ўз ваколатига тегишли бўлган қисмини имзолайди.

Олингандан натижаларни ва аниқ хulosса (хulosалар)ни шакллантиришни баҳолашда ваколатли бўлган суд эксперталари умумий хulosса (хulosалар) чиқаради. Агар комиссиянинг якуний хulosаси ёки унинг бир қисми учун суд эксперталаридан бири (алоҳида эксперталар) томонидан аниқланган фактлар асос ҳисобланса, у ҳолда бу ҳақда хulosада кўрсатилиши керак. Келишмовчилик ҳолатида суд эксперталарининг ҳар бири келишмовчиликка сабаб бўлган масалалар бўйича алоҳида хulosса тузади.

30. Агар суд экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), сўров ёки мурожаатда тақдим этилган иш материаллари турли хил тадқиқотлар предметига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хulosса ёхуд мутахассис фикри беради ёки хulosса ёхуд мутахассис фикри беришнинг имкони йўқлиги тўғрисида маълумотнома тузилади.

31. Суд эксперти хulosаси уч қисмдан: кириш, тадқиқот ва хulosалар (якунловчи) қисмлардан иборат бўлади.

Суд эксперти хulosасининг кириш қисмida тадқиқот ўтказилган сана ва жой, тартиб рақами, унинг хуқуqlари ва мажбуриятларини унга тушунтириш ва унинг билиб туриб нотўғри хulosса берганлиги, иш материалларини ошкор қилганлиги, шунингдек узрли сабабларсиз хulosса беришни рад этганлиги ёки бундан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тушунтирилганлиги ҳақидаги тилҳат олинганди кўрсатилади.

32. Хulosанинг кириш қисмida суд экспертизасини ўтказиш асослари, экспертиза ўтказишни тайинлаган ваколатли орган (шахс) ёхуд адвокат тадқиқотларни ўтказган суд эксперти (суд эксперталари), суд экспертизаси ҳал этиши учун қўйилган масалалар, тадқиқот ўтказиш учун тақдим қилинган иш материаллари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, суд экспертизасини ўтказиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

33. Суд эксперти хulosасининг тадқиқот қисмida суд эксперти олдига қўйилган ҳар бир масала бўйича тадқиқотлар жараёни ва унинг натижалари ёзилади, аниқланган фактлар бўйича илмий тушунтириш берилади.

34. Суд эксперти хulosасининг якунловчи (хulosса) қисми суд эксперти олдига қўйилган масалаларга жавоб шаклида баён қилинади ва турли талқинларга йўл қўймайдиган аниқ, тушунарли тилда баён қилиниши лозим.

Агар хulosанинг якунловчи (хulosса) қисмини тадқиқот қисмida баён қилинган тадқиқот натижаларининг мукаммал тавсифисиз ва қўйилган масалага тўлиқ жавобсиз шакллантириш мумкин бўлмаса, хulosанинг тадқиқот қисмiga ҳавола қилишга рухсат берилади.

35. Суд эксперти хulosасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек, уларни бартараф этишининг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин.

36. Мутахассис фикри уч қисмдан: кириш, тадқиқот ва фикр (якунловчи) қисмларидан иборат бўлади.

Мутахассис фикрининг кириш қисмida тадқиқот ўтказилган сана ва жой, тадқиқот ўтказишнинг асоси, тадқиқот буюртмачиси (юридик ёки жисмоний

шахс) тўғрисидаги маълумотлар, суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва тадқиқот ўтказиш топширилган давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти ва илмий фаолият билан шуғулланувчи муассаса (ташкилот)лар ҳақидаги маълумотлар, суд эксперти олдига ҳал этиш учун қўйилган саволлар, унга тақдим этилган тадқиқот объектлари ва иш материаллари қайд этилади.

37. Мутахассис фикрининг тадқиқот қисмида суд эксперти олдига қўйилган ҳар бир масала бўйича тадқиқот ўтказиш жараёни, қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда тадқиқотларнинг мазмуни ва унинг натижалари ёзилади, аниқланган фактлар бўйича илмий тушунтириш берилади.

38. Мутахассис фикрининг фикр (якунловчи) қисмида тадқиқот натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар қайд этилади.

Тадқиқот натижаларини тасвирловчи иш материаллари мутахассис фикрида акс эттирилади ёки унга илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қиласди.

39. Суд эксперти хulosasi ва мутахассис фикри икки нусхада тузилади, тадқиқотларни ўтказган суд эксперти (суд экспертилари) томонидан имзоланади, унинг (уларнинг) имзоси экспертиза ташкилоти муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин хulosasi ёки мутахассис фикрининг бир нусхаси экспертиза ташкилоти раҳбари томонидан экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс)га, адвокат, мутахассис фикри эса тегишли жисмоний ёки юридик шахсга тақдим этилган иш материаллари билан бирга юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза ташкилотида 5 йил мобайнида сақланади.

40. Агар суд эксперти хulosасида ва мутахассис фикрида тадқиқотлар ва унинг натижаларини тасвирловчи фотожадваллар, диаграммалар, чизмалар ва шу каби иловалар берилса, улар ҳам суд эксперти (суд экспертилари) томонидан имзоланади. Суд эксперти тадқиқотларининг бориши, шароитлари ва натижаларини хужжатлаштириш материаллари суд эксперти хulosasi нусхаси билан бирга экспертиза ташкилотида сақланади. Бундан рақамли (электрон) маълумотлар мустасно.

Экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс), адвокат ёки тегишли жисмоний ёхуд юридик шахснинг талабига кўра йиғмажилдга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

41. Экспертиза ташкилоти раҳбари хulosasi ёки мутахассис фикрини беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани кўриб чиқиша нотўғри хulosaga олиб келиши мумкин бўлган тўлик бўлмаган тадқиқотларни, тадқиқот ўтказиш методикаси бузилишини ёки унинг нотўғри расмийлаштирилганлигини аниқлаган тақдирда хulosasi, мутахассис фикри ҳамда маълумотнома уларга зарур ўзгартаришлар ва аниқликлар киритиш учун суд экспертига қайтарилади.

Агар суд эксперти ўз хulosасини, хulosasi ёки мутахассис фикри беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани тўғри деб қатъий туриб олса, экспертиза ташкилоти раҳбари тадқиқот ўтказишни белгиланган

тартибда хulosса берадиган биринчи суд эксперти иштирокидаги комиссияга топшириш хуқуқига эга.

Суд эксперталари умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хulosани, хulosса ёки мутахассис фикри беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани тузади ва имзолайди. Агар суд эксперталари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқсан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиқсан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хulosса беради.

42. Суд экспертизасини судда ўтказишда унинг натижалари мазкур Намунавий низомнинг 31 — 35-бандларида назарда тутилган қоидалар бўйича расмийлаштирилади.

Суд эксперти хulosаси суд эксперти томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза ташкилоти раҳбарига тақдим этилади.

43. Хulosса ёки мутахассис фикрини беришнинг имкони йўқлиги тўғрисида асосланган маълумотнома уч қисмдан: кириш, асословчи ва якунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Кириш қисмida ушбу Намунавий низомнинг 31-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ маълумотлар баён қилинади.

Асословчи қисмida хulosса ёки мутахассис фикри беришнинг иложи йўқлиги сабаблари батафсил баён қилинади.

Якунловчи қисмida суд эксперти олдига қўйилган ҳар бир масала бўйича хulosса беришнинг иложи йўқлиги кўрсатилади.

Хulosса ёки мутахассис фикрини беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги далолатнома икки нусхада тузилади, суд эксперти томонидан имзоланади, унинг имзоси экспертиза ташкилоти муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин унинг бир нусхаси экспертиза ташкилоти раҳбари томонидан экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс)га, адвокатга ёки мутахассис фикрини олиш учун мурожаат қилган жисмоний ёхуд юридик шахсга юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза ташкилотида 5 йил мобайнида сақланади.

Агар хulosса ёки мутахассис фикрини бериш имкони йўқлиги тўғрисидағи маълумотнома судда кўриб чиқиши босқичида тузилган бўлса, у суд эксперти томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза ташкилоти раҳбарига тақдим этилади.

44. Агар бир масала бўйича суд эксперти хulosса ёки мутахассис фикрини берса, бошқа масала бўйича эса хulosса ёки мутахассис фикри беришни имкони йўқлиги тўғрисида далолатнома тузиш учун асос мавжуд бўлса, у ҳолда ягона ҳужжат — суд эксперти хulosаси ёки мутахассис фикри тузилади.

45. Тадқиқот обьектлари бўлган предмет ва ҳужжатларга суд экспертизинг тегишли белгилари (муҳр ва штамп) қўйилиб, хulosса мутахассис фикри бериш имкони йўқлиги тўғрисида далолатнома билан бирга улар экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс)га, адвокат, жисмоний ёки юридик шахсларга рўйхат бўйича қайтарилиши лозим.

46. Суд эксперти хulosаси ёки мутахассис фикри экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс)га, адвокатга (уларнинг ваколатли ходимига), мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсга (уларнинг вакилига) шахсан

берилиши ёки почта, шу жумладан, электрон почта орқали юборилиши мумкин.

Тадқиқот обьектлари бўлган предметлар ва хужжатлар ҳамда бошқа иш материаллари экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс)га, адвокатга (уларнинг ваколатли ходимига), мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахсга (уларнинг вакилига) шахсан берилиши ёки почта орқали юборилиши мумкин.

Суд эксперти хуносаси ёки мутахассис фикрининг, тадқиқот обьектлари бўлган предметлар ва хужжатлар ҳамда суд экспертизасига берилган бошқа материалларнинг факсимиль ёки ёруғ сезгир қофозга кўчирилган ишончнома нусхаси орқали берилишига йўл қўйилмайди.

47. Тадқиқотлар тугалланганидан кейин тадқиқот обьектлари, агар улар тўла ишлатилган бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаган ваколатли орган (шахс)га, адвокатга, жисмоний ва юридик шахсга қайтарилади.

Агар тадқиқот обьектларини қонунчиликка мувофиқ почта орқали юборишининг имкони бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаган ваколатли орган (шахс) ёки буюртмачи томонидан олиб кетилиши шарт.

Тадқиқот обьектлари ва тўлиқ ишлатилмаган обьектларга нисбатан суд экспертизаси тадқиқотлари якунлангандан сўнг мазкур обьектларни экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс) ёки буюртмачи томонидан олиб кетиш чоралари кўрилмаган тақдирда, суд экспертизасини ўтказган экспертиза ташкилоти томонидан тадқиқот обьектлари ўз имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда бир йил мобайнида сақланади.

Ушбу даврда камида икки маротаба экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс)га, буюртмачига ёзма ёки электрон шаклдаги хабарнома юборилади. Юборилган хабарномага ижобий жавоб олинмаган тақдирда ҳамда тадқиқот обьектларини сақлаш муддати якунлангандан сўнг тадқиқот обьектлари экспертиза ташкилоти раҳбари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда экспертиза ташкилоти эҳтиёжи учун сарфланади ёки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Сарфланганлиги ёки йўқ қилиниши билан боғлиқ бўлган хужжатларнинг бир нусхаси маълумот учун тадқиқот обьектларини тақдим қилган экспертизани тайинлаган ваколатли орган (шахс)га ёки буюртмачига юборилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

48. Ушбу Намунавий низом талабларини бузиш қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

49. Мазкур Намунавий низом талабларига риоя этилишини таъминлаш учун жавобгарлик экспертиза ташкилотлари раҳбарларига юкланди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 21 февралдаги 73-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисоблангаётган айrim қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш хақида» 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон Қонуни)» 2017 йил 1 декабрдаги 960-сон қарорига илованинг 9-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 15 январдаги 34-сон қарорига илованинг 3-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурол муомаласи соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 26 декабрдаги 810-сон қарорига 3-илованинг 7-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 252-банди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ**

61 **Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи мактаблар тармоғи кенгайтирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 апрелдаги 237-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш хақида***

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига бириктирилган халқ таълими тизимидағи 37 та ихтисослаштирилган ҳамда 19 та умумий ўрта таълим мактабларида умумий ўрта таълим фанлари доирасида ўқувчиларни ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида ўқитишга ихтисослаштирилган синфлар фаолияти йўлга қўйилган. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи мактаблар тармоғининг кенгайтирилиши муносабати билан 2022/2023 ўқув ўилидан бошлаб ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлари мавжуд бўлган 4 та умумий ўрта таълим мактаблари Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига бириктирилган умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактаблар рўйхатини ҳамда уларда ташкил этилган ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини қайта кўриб чиқиши талаб этилмоқда.

Қонунчилик ҳужжатларини юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатга мувофиқлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида» 2022 йил 14 апрелдаги ПФ-106-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 апрелдаги 237-сон қарорига иловага мувофиқ қўйидагиларни назарда тутивчи ўзгартиришлар киритилсин:

умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактаблардаги ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфларнинг бундан буён ҳарбий-ватанпарварлик синфлари сифатида фаолият юритишини белгилаш;

ҳарбий-ватанпарварлик синфлари мавжуд бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг рўйхатини янгилаш;

ҳарбий-ватанпарварлик синфлари факат айрим умумий ўрта таълим мактабларида мавжуд бўлишини назарда тутиш.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 февралда эълон қилинган.

ликаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 февраль,
75-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 23 февралдаги 75-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим ва
ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик
йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил
этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 апрелдаги
237-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Умумий ўрта таълим мактабларида ҳарбий-ватанпарварлик
синфлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари
тўғрисида».**

2. 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3392-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ҳамда 1-ило-вада кўрсатилган умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактаблардаги ихтисослаштирилган синфлар бундан буён ҳарбий-ватанпарварлик синфлари сифатида фаолият юритади».

3. 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Умумий ўрта таълим мактабларининг ҳарбий-ватанпарварлик синфлари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан».

4. 3-банда:

иккинчи хатбошидаги «ихтисослаштирилган» сўзи «ҳарбий-ватанпарварлик» сўzlари билан алмаштирилсин;

учинчи — бешинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўzlари тегишли келишикдаги «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўzlари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. 4-банда:

биринчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсин;

«е» кичик банддаги «Маданият вазирлиги» сўзлари «Маданият ва туризм вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ж» кичик банддаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари «Рақамли технологиялар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«а» — «в» ва «д» — «з» кичик бандлардаги тегишли келишикдаги «ихти-сослаштирилган синфлар» сўзлари тегишли келишикдаги «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 5-банндаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 6-банндаги «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. 1-илованинг матни қўйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Ҳарбий-ватанпарварлик синфлари мавжуд бўлган
умумий ўрта таълим мактабларининг
РЎЙХАТИ**

T/p	Умумий ўрта таълим мактабларининг манзили	Умумий ўрта таълим мактабларининг номи
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	Нукус шаҳри	44-сон умумий ўрта таълим мактаби
2.	Чимбой тумани	36-сон умумий ўрта таълим мактаби
3.	Хўжайли тумани	15-сон умумий ўрта таълим мактаби
4.	Тўрткўл тумани	18-сон умумий ўрта таълим мактаби
Андижон вилояти		
5.	Андижон шаҳри	35-сон умумий ўрта таълим мактаби
6.	Бўстон тумани	48-сон умумий ўрта таълим мактаби
7.	Жалақудук тумани	49-сон умумий ўрта таълим мактаби
8.	Хўжаобод тумани	23-сон умумий ўрта таълим мактаби
Бухоро вилояти		
9.	Бухоро шаҳри	35-сон умумий ўрта таълим мактаби
10.	Когон шаҳри	9-сон умумий ўрта таълим мактаби
11.	Қоровулбозор тумани	1-сон умумий ўрта таълим мактаби
12.	Қоракўл тумани	15-сон умумий ўрта таълим мактаби
Жиззах вилояти		
13.	Жиззах шаҳри	22-сон умумий ўрта таълим мактаби
14.	Арнасой тумани	22-сон умумий ўрта таълим мактаби
15.	Бахмал тумани	1-сон умумий ўрта таълим мактаби
16.	Зомин тумани	60-сон умумий ўрта таълим мактаби
Қашқадарё вилояти		
17.	Қарши шаҳри	45-сон умумий ўрта таълим мактаби

18.	Нишон тумани	35-сон умумий ўрта таълим мактаби
19.	Фузор тумани	53-сон умумий ўрта таълим мактаби
20.	Шахрисабз тумани	83-сон умумий ўрта таълим мактаби
Навоий вилояти		
21.	Навоий шаҳри	1-сон умумий ўрта таълим мактаби
22.	Зарафшон шаҳри	1-сон умумий ўрта таълим мактаби
23.	Хатирчи тумани	65-сон умумий ўрта таълим мактаби
24.	Кармана тумани	10-сон умумий ўрта таълим мактаби
Наманган вилояти		
25.	Наманган шаҳри	58-сон умумий ўрта таълим мактаби
26.	Учқўрғон тумани	2-сон умумий ўрта таълим мактаби
27.	Поп тумани	1-сон умумий ўрта таълим мактаби
28.	Чорток тумани	9-сон умумий ўрта таълим мактаби
Самарқанд вилояти		
29.	Самарқанд шаҳри	1-сон умумий ўрта таълим мактаби
30.	Самарқанд шаҳри	43-сон умумий ўрта таълим мактаби
31.	Каттақўрғон шаҳри	11-сон умумий ўрта таълим мактаби
32.	Оқдарё тумани	45-сон умумий ўрта таълим мактаби
Сирдарё вилояти		
33.	Гулистан шаҳри	16-сон умумий ўрта таълим мактаби
34.	Сайхунобод тумани	41-сон умумий ўрта таълим мактаби
35.	Ховос тумани	1-сон умумий ўрта таълим мактаби
36.	Гулистан тумани	27-сон умумий ўрта таълим мактаби
Сурхондарё вилояти		
37.	Термиз шаҳри	17-сон умумий ўрта таълим мактаби
38.	Олтинсой тумани	2-сон умумий ўрта таълим мактаби
39.	Узун тумани	4-сон умумий ўрта таълим мактаби
40.	Музробод тумани	8-сон умумий ўрта таълим мактаби
Фарғона вилояти		
41.	Фарғона шаҳри	6-сон умумий ўрта таълим мактаби
42.	Қўқон шаҳри	33-сон умумий ўрта таълим мактаби
43.	Олтиариқ тумани	14-сон умумий ўрта таълим мактаби
44.	Бешариқ тумани	15-сон умумий ўрта таълим мактаби
Хоразм вилояти		
45.	Урганч шаҳри	24-сон умумий ўрта таълим мактаби
46.	Гурлан тумани	42-сон умумий ўрта таълим мактаби
47.	Янгиариқ тумани	37-сон умумий ўрта таълим мактаби
48.	Шовот тумани	53-сон умумий ўрта таълим мактаби
Тошкент вилояти		
49.	Чирчик шаҳри	10-сон умумий ўрта таълим мактаби
50.	Бекобод шаҳри	9-сон умумий ўрта таълим мактаби
51.	Паркент тумани	5-сон умумий ўрта таълим мактаби
52.	Оққўрғон тумани	49-сон умумий ўрта таълим мактаби

Тошкент шаҳри		
53.	Яшнобод тумани	161-сон умумий ўрта таълим мактаби
54.	Яккасарой тумани	172-сон умумий ўрта таълим мактаби
55.	Юнусобод тумани	58-сон умумий ўрта таълим мактаби
56.	Олмазор тумани	326-сон умумий ўрта таълим мактаби

».

9. 2-иловада:

номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий ўрта таълим мактабларининг ҳарбий-ватанпарварлик синфлари тўғрисида НИЗОМ»;

1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом умумий ўрта таълим мактабларидаги (кейинги ўринларда — мактаблар) ҳарбий-ватанпарварлик синфларининг мақсади ва асосий вазифаларини, ҳарбий-ватанпарварлик синфларига ўқувчиларни қабул қилиш ва ўқишдан четлатиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш тартибини белгилайди»;

2-банддаги «Ихтисослаштирилган синфларда» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларида», «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бобнинг номидаги «Ихтисослаштирилган синфларнинг» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «ихтисослаштирилган синфларнинг» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ихтисослаштирилган синфларнинг» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бобнинг номидаги «Ихтисослаштирилган синфларга» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5 ва 6-бандлардаги тегишли келишикдаги «Ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари тегишли келишикдаги «Ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари», «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги «ихтисослаштирилган синфларга» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Ихтисослаштирилган синфларга» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларига» сўзлари, «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсан;

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

11 ва 13-бандлардаги «Ихтисослаштирилган синфларга» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларига» сўзлари билан алмаштирилсан;

14-банддаги «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсан;

15-банддаги «Ихтисослаштирилган синфларга» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларига» сўзлари билан алмаштирилсан;

25 ва 28-бандлардаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

29-банддаги «Ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

30-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

учинчи хатбошидаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

31 ва 32-бандлардаги «Ихтисослаштирилган синфларнинг» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларининг» сўзлари билан алмаштирилсан;

4-бобнинг номидаги «Ихтисослаштирилган синфларда» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларида» сўзлари билан алмаштирилсан;

33 — 36-бандлардаги тегишли келишикдаги «Ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари тегишли келишикдаги «Ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

37 ва 38-бандлардаги «ихтисослаштирилган синфларнинг» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфларининг» сўзлари билан алмаштирилсан;

39 — 41-бандлардаги тегишли келишикдаги «Ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари тегишли келишикдаги «Ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

5-бобнинг номидаги «Ихтисослаштирилган синфлардаги» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларидағи» сўзлари билан алмаштирилсан;

42-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ихтисослаштирилган синфлардаги» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларидағи» сўзлари билан алмаштирилсан;

иккинчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсан;

тўртинчи хатбошидаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

бешинчи хатбошидаги «ихтисослаштирилган синфларда» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфларида» сўзлари билан алмаштирилсан;

43-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидағи «ихтисослаштирилган

синфларда» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

44-банддаги «Ихтисослаштирилган синфларда» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

45-бандинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

46-банддаги «ихтисослаштирилган синфлар» ва «ихтисослаштирилган синфининг» сўзлари тегишлича «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» ва «ҳарбий-ватанпарварлик синфининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

47-банда:

биринчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи, олтинчи, саккизинчи ва ўнинчи — ўн учинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари тегишли келишикдаги «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банда:

учинчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи хатбошилардаги тегишли келишикдаги «ихтисослаштирилган синфлар» сўзлари тегишли келишикдаги «ҳарбий-ватанпарварлик синфлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Халқ таълими» сўзлари «Мактабгача ва мактаб таълими» сўзлари билан алмаштирилсин;

49-банддаги «Ихтисослаштирилган» сўзи «Ҳарбий-ватанпарварлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловада:

илова белгисидаги «ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлари тўғрисида» сўзлари «мактабларининг ҳарбий-ватанпарварлик синфлари тўғрисидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

номидаги «Ихтисослаштирилган синфларга» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тадбирлар» устунидаги:

«I босқич» позициясидаги «Ихтисослаштирилган синфларга» сўзлари «Ҳарбий-ватанпарварлик синфларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«V босқич» позициясидаги «ихтисослаштирилган синф» сўзлари «ҳарбий-ватанпарварлик синфи» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-илованинг илова белгисидаги «ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлари тўғрисида» сўзлари «мактабларининг ҳарбий-ватанпарварлик синфлари тўғрисидаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

62

Андижон вилояти Шаҳрихон туманида чарм-пойабзал ва хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, хусусан, худудларнинг ихтисослашувига қаратилган манзилли дастурларнинг амалга оширилиши натижасида Андижон вилояти Шаҳрихон туманида сўнгги 5 йилда маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми қарийб 10 бараварга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 бараварга ошди, 3 йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг улуши қарийб 50 фоизга етди.

Туманда жадал суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий чарм-пойабзал ишлаб чиқариш ташкилотлари атрофида кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолини кластер ва касаначилик усулида бирлаштириш, хунармандчиликда кооперацияни янада ривожлантириш орқали Андижон вилояти Шаҳрихон туманини чарм-пойабзал ва хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, экспорт қилиш марказига айлантириш ҳамда ҳудуд аҳолисини даромадли иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи:**

1. Кўйидагилар:

2023-2024 йилларда Андижон вилояти Шаҳрихон туманида чарм-пойабзал ва хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мақсадли параметрлар 1-иловага** мувофиқ;

2023-2024 йилларда Андижон вилояти Шаҳрихон туманида чарм-пойабзал ва хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, касаначиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, «Ўзчармсаноат» уюшмаси ҳамда Шаҳрихон туманидаги чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг «Шаҳрихончармсаноат» бирлашмасини (кейинги ўринларда — Бирлашма) ташкил этиш ва унинг фаолиятига кўмаклашиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, «Ўзчармсаноат» уюшмаси «Elegant shoes and» МЧЖ ва тумандаги чарм-пойабзал соҳасидаги етакчи ташкилотларга ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларига Бирлашмани белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишда кўмаклашсин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 февралда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, Бирлашмага ўз фаолиятида «Elegant shoes and» МЧЖнинг ташқи бозорларга чиқиш, юқори сифатли ва ракобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, замонавий технологияларни жорий этиш тажрибасидан намуна сифатида фойдаланиш ва уни кенгайтириш тавсия этилсин.

3. Таъсисчилар томонидан Бирлашманинг асосий вазифалари этиб қўйи-дагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

Шахрихон тумани ва унга қўшни ҳудудларда табиий ва сунъий чармдан аёллар, болалар ва спорт оёқ кийимлари, спорт инвентарлари, чарм-атторлик маҳсулотлари, шунингдек, фурнитура, аксессуарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда ахоли билан кластер ва касаначилик усулида кооперация тизимини такомиллаштириш;

республиканинг бошқа ҳудудларида фаолият кўрсатаётган чарм-пойабзal соҳаси ташкилотлари билан ишлаб чиқариш занжирларини ривожлантириш ва экспорт географиясини кенгайтириш, бу йўналишда амалдаги экспорт ҳажмини 2 бараварга ошириш;

ҳудудларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда ярмаркалар ташкил этиш орқали чарм-пойабзal маҳсулотларининг сотув ҳажмини ошириш ва миллий брендларни янада қўллаб-қувватлаш;

жаҳон бозорларида Шахрихон пойабзal брендини танитиш ва ўзининг харидорларига эга бўлишига кўмаклашиш, шу мақсадларда халқаро кўргазмалар ташкил этиш, шунингдек, хорижий ярмаркаларда маҳаллий тадбиркорларнинг иштирокини таъминлаш;

ишлаб чиқарилган чарм-пойабзal маҳсулотларининг кафолатланган сотиш тизимини таъминлаш учун хорижий давлатларда савдо уйларини ташкил этишга кўмаклашиш;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда «Ўзчармсаноат» уюшмаси билан биргаликда халқаро брендларга эга бўлган нуфузли хорижий компанияларнинг харид офисларини (buying office) очиш бўйича улар билан ҳамкорлик қилиш;

ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулот сифатининг жаҳон стандартлари билан мувофиқлигини таъминлаш учун маҳаллий ташкилотларнинг Италия, Туркия ва бошқа давлатлар ташкилотлари билан ўзаро тажриба ҳамда малака алмашишларини ташкил этиш;

республиканинг барча ҳудудлари бўйлаб ахоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида чарм-пойабзal маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича «Шахрихон тажрибаси»ни ўргатиш ва оммалаштириш;

Шахрихон косибчилик мактаби тажрибаси асосида ўқувчиларни касб-хунарга ўқитишни ташкил этишда фаол иштирок этиш.

4. Бирлашма Андижон вилояти Шахрихон тумани «Қум» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Шахрихон туман касб-хунарга ўқитиш маркази биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Осиё тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида амалга оширилаётган «Замонавий иқтисодиёт учун кўнималарни шакллантириш» лойиҳаси доирасида Шахрихон туман касб-хунарга ўқитиш марказида косибчилик ва тикувчилик йўналишларида ўқув курсларини таш-

кил этиш, марказни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, заруратга кўра, косибчилик, пичоқчилик, хунармандчилик фаолият турлари йўналишидаги зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш масаласида Осиё тараққиёт банки билан келишган ҳолда техник-иқтисодий асосномага қўшимча киритиш чоралари кўрилсин.

Андижон вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

Бирлашма фаолиятини зарур моддий-техник база билан таъминлаш чорасини кўрсинг;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда Шахрихон туман касб-хунарга ўқитиш марказининг ўқув-ишлаб чиқариш полигонини қурувчи ташкилот билан якуний ҳисоб-китоблар асосида фойдаланишга қабул қилиш бўйича тегишли хужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминласин.

5. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги Бирлашма билан биргаликда икки ой муддатда Шахрихон туман касб-хунарга ўқитиш марказининг ўқув-ишлаб чиқариш полигонида Шахрихон косибчилик мактабини (кейинги ўринларда — Косибчилик мактаби) ташкил этсин. Бунда:

Шахрихон туман касб-хунарга ўқитиш марказида ва Косибчилик мактабида, устувор равища, Бирлашмага аъзо бўлган ташкилотлар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан келгусида ишга олинадиган ишсиз ёшлар, аёллар ва касаначиликка қизиқиши бор аҳолининг ўқитилишини, улар ходимларнинг малакаси оширилишини ташкил этсин;

Косибчилик мактабида касб-хунарга ўқитиш жараёнини чарм-пойабзал маҳсулотлари сифатини халқаро стандартларга мослаштириш, инновацион ишланмаларни жорий этиш, маҳаллий чарм маҳсулотларининг халқаро брендлар билан рақобатбардошлигини ошириш борасидаги вазифалар билан боғлиқ равища ташкил этиш чораларини кўрсинг;

ўқув-ишлаб чиқариш полигонида текин фойдаланган ҳолда косибчилик ва хунармандчилик йўналишидаги кичик тадбиркорлик субъектларига устоз-шогирд тамойилига асосланган шартларда ишлаб чиқариш лойихалари учун жойларнинг ажратилиши белгилансин.

6. Андижон вилояти ҳокимлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда Шахрихон туманининг 10 та маҳалласида жойлашган умумтаълим мактабларининг фойдаланилмасдан бўш турган бино ва хоналари маҳаллий бюджет маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан таъмирланишини ҳамда уларни маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари ташкил этиш учун ташаббускорларга аукцион савдоларисиз ижара ҳақининг «ноль» ставкасида ижарага берилишини таъминласин.

Белгилансинки, касб-хунарга ўқитиш масканларида, устувор равища, чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўналишига қизиқиш билдириган юқори синф ўқувчилари ва ишсиз фуқаролар учун қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари ташкил этилади.

7. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Бирлашма билан бергалиқда икки ой муддатда:

касб-хунарга ўқитиш масканлари ўқув дастурлари талабларидан келиб чиқиб, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ жихозланишини;

ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш учун касб-хунарга ўқитиш масканларини тумандаги Бирлашмага аъзо бўлган ташкилотларга бириктириш чоралари кўрилишини;

тумандаги замонавий талабларга жавоб берадиган, юксак малака, соҳада кўп йиллик иш тажрибасига ва юқори профессионал тайёргарликка эга бўлган мутахассислар касб-хунарга ўқитиш масканларига касбий таълим усталари сифатида жалб қилиниши ҳамда уларнинг иш ҳақи харажатлари белгиланган тартибда қоплаб берилишини таъминласин.

8. Белгилансинки:

Косибчилик мактаби ва касб-хунарга ўқитиш масканларига ўқувчилар томонидан ўқув жараёнида тайёрланган маҳсулотларни сотишга рухсат берилади;

тайёрланган маҳсулотларни сотишдан тушган маблағлар Шаҳрихон туман касб-хунарга ўқитиш марказининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

ушбу маблағлар ўқув жараёнида ўзининг билими ва интизоми билан намуна кўрсатган ўқувчиларни моддий рафбатлантириш ва хом ашё харид қилиш учун сарфланади;

Бирлашма ўз аъзолари орқали Косибчилик мактаби ва касб-хунарга ўқитиш масканлари ўқувчиларини ишлаб чиқариш учун мураккаб бўлмаган яrim тайёр ва тайёр маҳсулотларга буюртмалар, хом ашё ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашади.

9. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Бирлашмага аъзо иш берувчиларни қўллаб-қувватлаш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3 млрд сўм маблағ ажратсин.

Белгилансинки, ушбу бандга асосан:

а) 1 млрд сўм маблағ ушбу қарор асосида ташкил этиладиган касб-хунарга ўқитиш масканларини жиҳозлаш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва сақлаш харажатларига йўналтирилади;

б) 2 млрд сўм маблағ ҳисобидан чарм-пойабзал соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Бирлашмани ташкил этиш ва сақлаш харажатларини молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш жамғармасига қайтариш шарти билан 3 йил муддатгача фоизсиз ссуда ажратилади;

в) Бирлашмага ажратилган маблағлар ҳисобидан унга аъзо бўлган чарм-пойабзал соҳаси ташкилотларига қуйидаги шартларда фоизсиз ссудалар ажратилади:

янгидан ишга қабул қилинган фуқаролар ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайиши муносабати билан зарур бўлган хом ашёларни сотиб олиш учун икки йил муддатга ҳар бир ходимга 5 млн сўмдан, бироқ 200 млн сўмдан ошмаган миқдорда;

янгидан ишга жалб қилинган касаначи ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми-нинг кенгайиши муносабати билан зарур бўлган хом ашёларни сотиб олиш учун икки йил муддатга ҳар бир касаначига 2 млн сўмдан, бироқ 100 млн сўмдан ошмаган миқдорда;

янги иш ўринларини, шу жумладан, касаначиликни ташкил этиш учун зарур жиҳозлар харид қилиш учун 100 млн сўмдан ошмаган миқдорда.

Бунда, «е-төхнат» тизимида рўйхатдан ўтган шартномалар, шунингдек, товар-моддий буюмларни харид қилиш учун электрон ҳисобварақ-фактура-лар ёки онлайн назорат-касса машиналари чеклари мавжудлиги сусда олиш-нинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашига ёшларни ўқув жараёнига жалб этиш, янги иш ўринларини, жумладан, касаначиликни ташкил этиш самарадорлигини таҳлил қилиш асосида маҳаллий бюджетнинг прогнозга нисбатан қўшимча даромадлари ҳисобидан Бирлашмага қўшимча маблағлар ажратиш тавсия этилсин.

10. Шахрихон туманида чарм-пойабзal маҳсулотларини касаначилик усулида ишлаб чиқариш қўйидаги тартибда ташкил этилсин:

а) тумандаги 79 та маҳаллада касаначиликка қизиқиши бўлган аҳоли, шу жумладан, аёллар ва ёшлар танлаб олинади;

б) танлаб олинган фуқаролар Косибчилик мактаби ва касб-хунарга ўқи-тиш масканларида амалиёт билан боғлиқ ҳолда бепул 3 — 6 ой ўқитилади;

в) қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига «Те-мир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган ёки «Ижти-моий химоя ягона реестри»да бўлган ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатларининг 50 фои-зигача бўлган қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваригача миқдорда субсидия ажратилади;

г) чарм-пойабзal соҳасидаги илғор тадбиркорлик субъектларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар устувор равишда ажратилади;

д) йирик чарм-пойабзal ишлаб чиқарувчи ташкилотлар касаначилик усу-лида ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) учун ўқув курсларини тутат-ган, етарли даражада касб-хунарни ўзлаштирган, дастгоҳларга эга бўлган аҳолига зарур хом ашё ва материаллар етказиб беради.

Белгилансинки, ушбу бандга асосан аҳолини касб-хунарга бепул ўқи-тиш ва дастгоҳларни харид қилиш учун субсидиялар ажратиш билан боғлиқ харажатлар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

11. Андижон вилояти Шахрихон туманида чарм-пойабзal маҳсулотлари-ни касаначилик усулида ишлаб чиқарishни ташкил этиш схемаси З-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг Шахрихон туманида касаначилик билан шуғулланувчилар сони 50 нафардан кўп бўлган

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маҳаллаларда Бирлашма маблағлари ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПҚ-331-сон қарорида белгиланган тартибда ташаббускор тадбиркорлар ҳисобидан касаначилик микромарказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

касаначилик микромарказлари маҳаллалардаги касаначилик билан шуғуланиш истаги бўлган ахолининг сонидан келиб чиқсан ҳолда, уларни мақбул жойлаштириш имконияти, ихтисослашуви, дастгоҳларни жойлаштириш ва ишлатиш учун зарур инфратузилма билан таъминлаган ҳолда ташкил этилади;

Бирлашма ҳисобидан қурилган касаначилик микромарказларидаги жойлар йигирма тўрт ойгача бепул ижарага берилади;

касаначилик микромарказлари билан тумандаги йирик ишлаб чиқарувчилар ўртасида кафолатланган буюртма ва харид ҳамда кооперация қилиш бўйича шартномалар имзоланади.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги Шаҳрихон туманида касаначилик микромарказларини ташкил этиш учун:

а) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда касаначилик микромарказларининг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилишини;

б) икки ой муддатда Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Шаҳрихон тумани ҳокимлиги билан биргаликда бўш ер участкалари ҳамда биноларни аниқлаб, уларнинг аукцион савдолари орқали сотилиши ва ижарага берилишини;

в) маҳаллий бюджетнинг прогнозга нисбатан қўшимча даромадлари ва тасдиқланган харажатларнинг иқтисод қилинган қисмидан замонавий енгил конструкцияли биноларни ўрнатиш ҳамда бўш турган биноларни реконструкция қилиш орқали ҳар бир касаначилик микромаркази ташкил этиш учун Бирлашмага 1 млрд сўмгacha субсидия ажратилишини таъминласин.

14. Андижон вилояти ҳокимлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тайёр чарм-пойабзal ва мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат зонаси ташкил этиш учун Шаҳрихон туманидан 8 гектар ер участкаларининг ер фонди тоифасини ўзгартириш бўйича хужжат лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

15. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳаларида ислоҳотларни янада жадаллаштириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2023 йилда Андижон шаҳри ва Шаҳрихон туманида хорижий етакчи компаниялар, харидорлар ҳамда соҳадаги нуфузли эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда Халқаро форум ва кўргазма ташкил этсин;

Шаҳрихон туманидаги чарм-пойабзal маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларни кафолатланган хом ашё билан таъминлаш мақсадида «Ўз-

чармсаноат» уюшмаси Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидағи чарм, фурнитура ва бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар билан Бирлашма ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш бўйича амалий ёрдам кўрсатсин;

2023 йил 1 июлга қадар Шахрихон туманида чарм-пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кооперация ва касаначилик усулида ривожлантириш бўйича дастлабки тажриба асосида соҳани кластер усулида ривожлантиришнинг стратегияси ҳамда ушбу соҳага халқаро молия институтлари маблағлари ва хорижий инвестицияларни ҳамда бошқа молиялаштириш манбаларни жалб қилишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқсин.

16. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳамда вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатиб, натижаларини доимий равишда муҳокама қилиб борсин ҳамда юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш чораларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида хар чорак якуни билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д. Кудбиев ҳамда Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 февраль,
78-сон